



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 1 октябрь, № 203 (9098)

Чоршанба

Сайтимица ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Кадрли дўстлар!

Сиз, азизларни, ҳаётини дунёдаги энг улуг ва олийжаноб ишга — навқирон авлод таълим-тарбиясига бағишлаган муҳтарам устоз ва мураббийлар, соҳанинг барча жонқуяр ходимларини умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этаман.

Мана шундай қувончли кунда сиз, меҳрибон устозларга эл-юртимизнинг юксак ҳурмат-эҳтиромини яна бир бор изҳор этиб, барчангизга Янги Ўзбекистон келажагини яратиш йўлидаги машаққат ва шарафли меҳнатингиз учун чин қалбдан ташаккур билдираман.

Хурматли устоз ва мураббийлар!

Яқинда сизлар билан бўлиб ўтган очик, айтиш мумкинки, тарихий мулоқотимизда таълим-тарбия тизимидаги ишларимизни чуқур таҳлил қилиб, уларни янги босқичга кўтариш бўйича аниқ мақсад ва режаларни белгиллаб олдик.

Куни кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида таълим соҳасидаги ислохотларимиз натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта эътибор ва қизиқиш уйғотди. Бу борада биз эришган ютуқлар халқаро аҳамиятга эга бўлган янги ташаббусларни илгари суриш учун асос бўлди.

Хусусан, кейинги саккиз йилда юртимизда таълим ва илм-фан учун харажатлар 6 карра оширилиб, 378 триллион сўмни ташкил этгани, юзлаб янги боғчалар, мактаб, техникум ва олийгоҳлар қурилгани, таълим ва илм даргоҳларини замон талаблари асосида жиҳозлаш, устоз ва мураббийларнинг меҳнатини муносиб қадрлашга қаратилган дастурларимиз алоҳида эътироф этилди.

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимизда қисқа муддатда боғчалар сонини 5200 дан 38 мингга, қамров даражасини 27 фоиздан 78 фоизга оширганимиз, тарбиячилар маоши мактаб ўқитувчилари ойлигига тенглаштирилгани, ушбу муассасалардаги раҳбар ва педа-

гоглар маоши қарийб 2 баробар оширилганини таъкидлаш лозим.

Келгуси йилдан Қорақалпоғистон ва барча вилоятларда Президент мактаблари каби “Янги авлод” боғчалари ташкил этилиб, уларда тарбиячилар илгор педагогик технологияларни ўрганади.

Фарзандларимизга билим ва тарбия беришнинг энг муҳим босқичи — мактаб таълимини ривожлантириш доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Сўнгги йилларда 500 га яқин янги мактаблар барпо этилиб, мавжудлари кенгайтирилгани ҳисобидан 1 миллион ўқувчи ўрни яратилди. Хусусий мактабларга йўл очилиши туфайли ота-оналар ва ўқувчилар учун танлаш имконияти пайдо бўлди. Бугунги кунда 200 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз ана шундай мактабларда ўқимокда.

Янги ўқув йилидан 12 йиллик мактаб таълими ҳамда 9 ва 11-синф ўқувчилари учун ягона давлат имтиҳонлари жорий қилиниб, уларнинг натижалари бўйича битирувчилар бевосита техникум ва олийгоҳларга кира оладиган тартиб йўлга қўйилади.

Ҳаммамизга аёнки, келажақ — замонавий билим билан қуролланган касбхунар эгалариникидир. Биз бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Шу боис ёшларимизни давр билан ҳамнафас бўлиб, ҳар қандай рақобатга бардош бера оладиган етук мутахассислар этиб тарбиялашимиз керак.

Шу мақсадда ташкил этилаётган Касбий таълим агентлигидан умимимиз катта. Ушбу агентлик касб таълими соҳасига, мавжуд техникумларга халқаро стандартлар асосида янги ҳаёт нафасини олиб кириши зарур.

Бир йил ичида 100 та техникумда Германия, Буюк Британия, Швейцария, Хитой, Корея Республикаси каби ривожланган мамлакатларнинг таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларнинг илгор ўқув дастурлари жорий этилади. Жумладан, Англиянинг

“Пирсон” компанияси билан худудлардаги 14 та техникумда “БИТЕК” халқаро дастури орқали ёшлар туризм, ахборот технологиялари, тиббиёт, қурилиш, логистика, электротехника, энергетика, машинасозлик, биотехнология, креатив иқтисодиёт каби йўналишларда талаб юқори бўлган касбларни эгаллайди.

Мамлакатимизда дуал таълим билан қамров 5 баробар оширилади. Айни пайтда янги технологияларни ўзлаштириш, чет эллик инвестор ва ҳамкорлар билан эркин мулоқот қилиш учун техникумлардаги хорижий тил соатлари тўрт карра кўпайтирилади.

Умуман, келгуси йилдан янги, рақамли очиқ платформа ишга туширилиб, унда техникум битирувчиларининг касбий кўникмалари ҳақидаги маълумотлар маҳаллий ва хорижий иш берувчилар учун эълон қилинади.

Шу билан бирга, умумий ўрта таълим муассасаларида мактаб маслаҳатчиси лавозимини жорий этилиб, улар 7-синфдан бошлаб ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш билан шуғулланади.

Барчангизга маълумки, биз кейинги йилларда олий таълим масаласига устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Амалга оширилган ислохотларимиз натижасида ўтган саккиз йил ичида олийгоҳларимиз сонини 77 тадан 202 тага, талабалар сонини эса 250 мингдан 1,5 миллионга етди. Ёшлар учун олийгоҳларга киришда танлов имконияти кўпайтирилди. Мазкур таълим муассасаларида дарс берадиган ўқитувчиларнинг ойлиги сезиларли даражада оширилди.

Фаннинг муайян соҳасида тадқиқотлар олиб бориб, аниқ натижага эришяётган олимларимизнинг асосий қисmini профессор-ўқитувчилар ташкил этаётгани айниқса эътиборлидир.

Кадрли дўстлар!

Биз ўқитувчи ва устозлик касбининг мақоми ва нуфузини оширишга ҳал қилувчи масала сифатида қарамокдамиз. Шу боис соҳа ходимларининг меҳ-

нат ва яшаш шароитини яхшилаш ислохотларимизнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади. Жумладан, янги йилдан бошлаб камида 15 йил стажга эга бўлган олий тоифали педагогларга ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизи қоплаб берилади.

Келгуси ўқув йилида давлат олийгоҳларига ўқишга кирган педагоглар фарзандларининг контракт суммасига 30 фоиз чегирма жорий этилиши мўлжалланмоқда. Ўқитувчиларнинг замонавий компьютер техникаларини харид қилишлари учун 10 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилади. Янги йилдан соҳа ходимлари учун давлат хизматлари тўлови икки карра қамайтирилади. Дунёдаги “ТОП — 300” талик олийгоҳларга ўқишга кирган бўлғуси педагогларга 20 минг долларгача имтиёзли таълим кредити ажратилади.

Мухтасар айтганда, ўқитувчи ва мураббийлик касбини ҳамиятимиздаги энг муҳим ва обрўли касбга айлантириш бўйича бошлаган ишларимиз изчил давом эттирилади.

Мухтарам устозлар, азиз мураббийлар!

Юртимиз тарихидаги икки буюк Ренессансни яратган улуг мутафаккир ва алломаларни ҳам ўз вақтида сиз каби ўқитувчи ва муаллимлар тарбиялаб вояга етказган. Бу эзгу анъаналарнинг давомчилари сифатида сиз, азизлар ҳам бугун жонажон Ватанимизда барпо этилаётган Учинчи Ренессанс бунёдкорларини камол топтиришга муносиб ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.

Ана шундай олийжаноб мақсад йўлида сизларга мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат, янги ютуқлар ва оилавий бахт тилайман. Барчангизга ҳамиша эл-юртимиз, шоғирдларингизнинг ҳурмат ва ардоғида бўлиш насиб этсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

БОШ МАҚСАД — АҲОЛИ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент шаҳрининг Яққасарой туманига ташриф буюриб, худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш доирасида амалга оширилаётган ишлар, инфратузилма лойиҳалари ва аҳоли турмуш шaroитларини яхшилаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар билан яқиндан танишди.

Ўрганиш

Ишчи гуруҳ Шота Рус-тавели кўчасини 7/24 режимида фаолият юритадиган савдо, кўнглоочар ва туризм кўчасига айлантириш бўйича амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишди. Ушбу кўча Пушкин хиббонидан “Grand Mir Hotel” меҳмонхонасигача бўлган 1,8 км. масофани қамраб олади. Ҳозир кўчанинг икки томонида 162 нафар тадбиркор фаолият юритмоқда, шундан 16 та корхона туну кун ишлайди. Лойиҳа натижасида 580 та янги иш ўрни

яратилиб, 9 та янги тадбиркорлик субъекти фаолият бошлади. Кейинги манзил — 144-умумий ўрта таълим мактаби бўлди. 2024 йилда қурилиб фойдаланишга топширилган янги ўқув биноси ҳисобига мактаб 660 ўринга кенгайтирилиб, умумий ўқувчилар сони 1624 тага етди. Шу тариқа мактаб ўқувчилари учун қулай шароитлар яратилди ва бинодан фойдаланиш коэффициенти 1,9 дан 1,1 гача парасайтирилди. Ишчи гуруҳ аъзолари мазкур таълим масканида олиб борилган таъмирлаш ишлари билан танишди.



Депутатлар — худудларда

ИНСОН ҚАДРИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари худудларда бўлиб, қонунчилик билан қатор учрашувлар ўтказди, ижтимоий объектлар, тадбиркорлик субъектлари билан танишди. Асосий эътибор жойлардаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини қўришга қаратилди.

Дастур ижроси ўрганилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жавлон Абдуллаевнинг Фаргона вилоятидаги ўрганишлари қизгин ўтди. Дастлаб “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилди.

Депутат Фаргона шаҳридаги ўрганишлар доирасида “Машъал” маҳалласида фаолият юритаётган микроорганизм ўсимликларни етиштириш кооперациясида бўлди.

Ушбу кооперация кўп қаватли уйлارнинг ертўла қисмида жойлашган. Тохиржон Абдусаматов раҳбарлигида бу ерда 45 турдаги микроқўқатлар етиштирилмоқда.

Уруғлар эса Европа давлатларидан олиб келинади. Кооперация орқали 25 га яқин маҳаллалар аҳолиси иш билан таъминланиб, ўртача 1,5 млн. сўм миқдорда доимий даромадга эга бўлган. Айни вақтда маҳсулотлар қўшни давлатларга ҳам мунтазам етказиб берилмоқда.

Шунингдек, кооперация томонидан “ORGANIC GREEN” бренди йўлга қўйилиб, ижтимоий тармоқларда кенг қамровли тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бу жараёнда хорижий инвестициялар ҳам жалб этилаётди.

Келгусида 10 та кўп қаватли уй ертўласини қайта ишга йўналтириш, қўшимча сабзавотлар, гуллар ва табиий гиёҳларни шу усулда етиштириш режалаштирилган.



Янги Ўзбекистон жаҳон олимлари нигоҳида

26-27 сентябрь кунлари Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказида “Буюк ўтмиш мероси — маърифатли келажақ асоси” халқаро форуми ўтказилди.

Анжуман

Мазкур нуфузли тадбирга дунёнинг 20 дан кўп мамлакатларидан 70 нафардан зиёд таниқли олимлар, музей директорлари, кутубхоначилар ҳамда маданий мерос соҳасидаги мутахассислар ташириф буюрди. Форум меҳмонлари очилиш арафасида турган марказнинг тайёргарлик жараёнлари билан танишиб, уни жаҳон аҳамиятига эга илмий-маърифий ва маданий майдон сифатида шакллантириш масалаларини муҳокама қилди.

Халқаро форум Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ислomнинг асл инсонпарварлик моҳиятини сақлаш ва маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш йўлидаги сайё-

ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Президентимиз яқинда БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, “Жамиятда бағрикенглик сиёсатини изчил амалга оширар эканмиз, Ўзбекистон маърифатли ислом гоёларини чуқур ўрганиш ва уларни дунёга кенг тарғиб қилишни давом эттиратим. Яқин ойлар ичида Тошкентда минтақада ягона бўлган Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази очилади. БМТда буюк аждодларимиз — Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридийларнинг бой маънавий ва илмий меросини тақдим этувчи махсус тадбир ўтказилиши режалаштирилган”.



МИНТАҚАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ХАБИГА АЙЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН

Мамлакатимизда меҳнат бозори учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Зеро, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш” алоҳида вазифа сифатида белгиланган.

Маълумотларга кўра, барча тармоқларга замонавий технологиялар ва инновациялар кириб келаётгани ҳисобига бу йил экспорт ҳажмини 25 млрд. долларга етказиш режалаштирилган. Ўтган 8 йилда эса мамлакатимизга 130 млрд. доллар хорижий сармоя киритилди. Эътиборлиси, илгари инвестиция, асосан, хомашё ресурслари учун ётқизилган бўлса, ҳозир ҳар бир соҳада янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, инфратузилмани яхшилашга йўналтирилмоқда.

Эътибор қаратилаётган барча тармоқлар орасида таълим тизими, хусусан, олий таълим йўналишларига алоҳида ёндашилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ мамлакатимизда сўнгги саккиз йилда олийгоҳлар сонини 77 тадан 202 тага, жами талабалар сонини 250 мингдан 1,5 миллионга етди.

Бунинг исботини нафақат Тошкентда, балки барча вилоятларда университет филолиаллари, олий таълим муассасалари сони кўпайиб бораётганлиги мисолида кўриш мумкин. Хусусан, Бауман университети филиали, Олмалик давлат техника институтини очиб бўйича қарорлар имзоланди. Хоразмда Ал-Хоразмий университетига тамал тоши қўйилиб,

бошқа худудларда ҳам унинг филиаллари ташкил қилиниши бўйича ишлар олиб бориляпти.

Мамлакатимизда ОТМларда реал иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш мақсадида амалий тадқиқот ишлари самарали олиб борилиб, таълим-ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини янги босқичга кўтаришга тўққинлик қилаётган муаммолар бартараф этиляпти. Бунинг натижасида ўқув-илмий кўникмаларни шакллантириш, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича белгиланган вазифалар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Янги индустриал давр — “тўртинчи санаот инқилоби”ни амалга ошириш учун дунёда теллур, литий, селен, графит, молибден каби технологиялик минералларга талаб бир неча карра кўпаймоқда. Таҳлилларга кўра, дунёдаги вольфрам, молибден, рух ва титан захиралари 10 — 15 фоиз миқтаримизга тўғри келади. Бу таҳлиллар орқали давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ушбу улкан ресурсларни юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айлантириш учун бизга энг аввало, илм ва инновация керак.



КАМОЛОТ ЙЎЛИНИНГ ЧАРОҒБОНЛАРИ

Муаллимнинг обрў-эътибори бу, аввало, миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир. Зеро, ўқитувчи жамиятнинг маънавий устуни ва тараққиётнинг асосий таянчи ҳисобланади. Юрtdа қадр топган устозлар ҳеч қачон чарчамайди, юксак эътибордан илҳомланиб меҳнат қилади.

Аммо бир пайтлар ўқитувчиларнинг жамиятдаги обрўси ва маънавий сезиларли даражада тушиб кетди. Шундай даврлар бўлдики, ёшларга таълим бераётган ўқитувчилардан зерикарли тадбирларда бўш залларни тўлдирувчи “омма” сифатида фойдаланилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва чинакам халқпарварлиги туфайли энди у кунлар орtdа қолди. Давлатимиз раҳбари фаолиятининг илк кунларидак, таълим тизимини ислох этиш жараёнида ўқитувчи касби нуфузини ошириш, жамиятдаги ма-

қомини кўтаришга алоҳида эътибор қаратди.

2016 йилдан бошлаб уларга бўлган эътибор ҳам, муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Сўнгги саккиз-тўққиз йилда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, таълим тизимини замон

устоз ва мураббийлар билимли, юксак салоҳиятли ҳамда баркамол авлодчи вояга етказишда фидойилик кўрсатаётди, шунингдек, давлат ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Экспертлар гуруҳи аъзоларининг қўмита фаолиятидаги ўрни алоҳида эътироф этилди. Жумладан, қонунларни пухта ўрганиш, норматив-

«Халқ сўзи».



БОШ МАҚСАД – АҲОЛИ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ

1 Маълумки, “Бўрижар” канали қирғоқларида бетонлаш, атрофини ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Сенат Раиси бошчилигидаги ишчи гуруҳ бу борадаги ишлар билан ҳам яқиндан танишди. Шу билан бирга, ҳудудда аҳоли, айниқса, болалар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Канал бўйлаб муҳофаза панжаралари ўрнатиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан таклифлар қўриб чиклди.

Ўрганиш давомида 26-умумий ўрта таълим мактабида туманиги барча таълим ва боғча муассасала-

рининг ҳолати бўйича тақдимот ўтказилди.

Шунингдек, айрим таълим ва спорт объектларини таъмирлаш, кўп қаватли уйлар том қисмини янгилаш учун зарур маблағ ажратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Мазкур таклифларни тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда қўриб чиқиш, дастурлар ижросини тизимли давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева таширф доирасида бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар билан учрашди.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида ўтказилган ушбу учрашув таълим соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган педагоглар фаолиятини эътироф этиш, уларга бўлган ҳурмат ва эътиборни янада мустаҳкамлашга қаратилди.

Сенат Раиси устоз ва мураббийларнинг жамият тараққиётидаги ўрни бекиёс эканини таъкидлади. Уларнинг фидокорона меҳнати, фарзандларимизни билимли, юксак маънавиятли инсонлар ва ватанпарвар этиб тарбиялашдаги хизматлари учун самимий миннатдорлик билдирди.

Сўхбат давомида сўзга чиққан устоз

ва мураббийлар мамлакатимизда кейинги йилларда таълим соҳасини ривожлантириш, уни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга эътибор қаратди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан педагогларнинг меҳнат ва яшаш шaroитларини яхшилаш, уларнинг касбий мақомини ошириш, ижтимоий ҳимоясини қучайтиришга қаратилган сaъй-ҳаракатлар амалда ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

ИНСОН ҚАДРИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

1 Янги босқичда ертўла шарoитида картошка, сабзи, пийёз, қарам, бақлажон, қовоқ, помидор, бодринг ва болгар қалампирларини органик усулда етиштириш йўлга қўйилади. Бу эса аҳолини иш билан таъминлаш баробарида, ички бозор ҳамда экспорт салоҳиятини қучайтиришга хизмат қилади.

Халқ вакили, шунингдек, Марғилон туризм ва маданий мерос техникумида бўлиб, таълим муассасасида фаолият юритаётган ўқитувчилар билан учрашди.

Мулоқотда Президентимизнинг Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан нутқида илгари сурган муҳим ташаббуслари ҳақида фикр алмашилди.

Техникумларда дуал таълим жорий этилиши, инвесторлар билан ҳамкорликда устaxона ва замонавий жиҳозлар ажратилиши, халқаро сертификатга эга ўқитувчиларга устaма бeрилиши таълим сифатини янада оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

манидаги ўрганишлари давомида асосий эътиборни тадбиркорлар муаммосига қаратди. Жумладан, “Зарангари иссиқ жон” оилавий қорхона фаолияти билан танишиб, бу ерда 14 нафар фуқаро иш билан таъминланганини юқори баҳолади.

Ўн сотихли иссиқхона фаолиятини йўлга қўйиб, нафақат ўзини, бутун оиласини ҳам ишли, ҳам даромадли қилган Феруза Умарованинг тажрибасини эса янада кенгроқ ёйиш тақлифини берди. Тадбиркор айни пайтда 100 млн. сўмлик кредит олиш ниятида экан. Депутат кўмага билан бу масала тез орада ҳал қилинадиган бўлди.

Шофиркон туманидаги Юқори юксун қишлоғи аҳолисининг электр токи билан боғлиқ муаммосига ҳам ечим топилди. Депутат туман масъулларидан қишлоққа тез орада 100 киловатт қувватга эга янги трансформатор ўрнатиш ваъдасини олди.

Албатта, бу ишларнинг барчаси назоратда бўлиши аҳолини ўйлантираётган масалаларга жойида ечим топишга хизмат қилади.

Аниқланган масалалар назоратга олинди

Қонунчилик палатаси депутати Азамат Пардаев Самарқанднинг Булунгур, Жомбой ва Оқдарё туманларида ўрганишлар олиб борди. Дастлаб маҳаллаларда бўлиб, асосий эътиборни “Маҳалла етилиги” фаолиятини ўрганишга қаратди.

Шунингдек, халқ вакили таъмир ишлари яқунланмаган таълим ташкилотлари, жумладан, Булунғурдаги 11 ҳамда 39-мактабларда бўлди ва қурилиш ишларини сифатли бажариш бўйича масъулларга тавсиялар берди.

Мингчинор маҳалласида бўлган депутат тикувчилик фаолиятини йўлга қўйган тадбиркор Мавжуда Ҳасанова билан учрашиб, у дуч кeлаётган қийинчиликларни ҳал қилиш чорасини кўрган бўлса, Жомбой туманидаги 18 соҳиб ерида 30 бошдан зиёд чорва молларини боқиб, фермерлиқни йўлга қўйган Сухроб Сайфиддиновнинг қўшимча ер ажратилиш масаласини ўрганди ва бу назоратга олинди.

Жомбой туманининг Олмазор маҳалласидаги икки қишлоқни боғловчи кўприк авария ҳолатига кeлиб қолганига анча йил бўлди. Халқ вакили бу масалани ҳам ўрганиб, депутат сўрови асосида ҳал қиладиган бўлди.

Булунгур туманидаги Эрганакли маҳалласида Ҳўжа Ҳофиз зиёратгоҳи ҳамда Шероз қалъаси ёғдорлиги мавжуд ва шу боис мазкур маҳаллани туризм марказига айлантириш режалаштирилган.

Депутат ушбу маҳаллада ҳам бўлиб, тарихий объектлар инфра-тузилмасини яхшилаш, сайёҳлар учун қулай шарoитлар яратиш ишлари билан танишди.

«Халқ сўзи».

Сенаторлар — ҳудудларда

СПОРТ МАЙДОНЧАЛАРИ ВА БОЛАЛАР ЎЙИНГОҲЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

29-30 сентябрь кунлари Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Андижон вилояти маҳаллаларида ташкил этилган спорт майдончалари ва болалар ўйингоҳлари ҳолати ўрганилди.

У масъул вазирлик-идоралар вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва Ёшлар парламенти аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан ташкил этилди.

Маълумотларга кўра, Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 июлдаги тегишли қарорига асосан 2022 — 2025 йилларда 130 та спорт объекти, жумладан, 47 та университет, 68 та стритбол-воркаут ва 15 та воркаут спорт майдончалари қурилган. Бунинг учун 28,8 млрд. сўм йўналтирилган.

Вилоятда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 34 та болалар ўйингоҳи қурилган.

Спорт майдончалари ва болалар ўйингоҳларининг қонуний қурилганлиги, техник ҳолати, қай даражада таъмирлангани ва жиҳозланиш ҳолати ўрганилиб, уларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар ва болалар учун қулайлиги ҳамда хавфсизлиги баҳоланди.

Шунингдек, маҳаллалардаги болалар ўйингоҳларини ноқонуний ўзлаштириш ҳолатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Андижон шаҳрида спорт ва болалар майдончалари ўрнига бошқа объектлар қуриш бўйича 8 та ҳолат аниқланган. Ушбу қурилишларнинг қонуний асослари ишчи гуруҳ томонидан таҳлил этилмоқда.

Ўрганиш давомида айрим спорт майдончаларининг фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолгани, объектларнинг атрофи ўралмагани ва спорт анжомлари етишмовчилиги, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун етарли шарoитлар яратилмагани каби муаммолар аниқланди.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш ҳамда аҳолини спортга кенг жалб қилиш, мавжуд инфра-тузилмани тақомиллаштириш ва қўшимча қулайликлар яратиш бўйича мутасаддиларга тегишли тавсиялар берилди.

Ўрганиш натижалари халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари иштирокида Сенат қўмитаси мажлисида муҳокама этилади.

«Халқ сўзи».

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲИМОЯСИ ҚУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг навбатдаги мажлисида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини қучайтиришга оид қатор қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Муҳокама

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун Президентимизнинг бир қатор фармонлари, давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, тураржойга бўлган мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва у билан боғлиқ чекловлар назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, ҳужжатда турар ва нотураржойлар тоифасини ўзгартириш тартиби ва асослари белгиланмоқда, ётоқхонадаги тураржойлардан фойдаланиш, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун бериладиган махсус уйлар тартиби белгиланмоқда.

Муҳокамада ўрганиш ва таҳлил натижаларига кўра қонунда қайта қўриб чиқишлиги лозим бўлган масалалар мавжудлиги қайд этилди ва қатор камчиликлар санаб ўтилди.

Шундан сўнг мажлис иштирокчилари “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни қўриб чиқди.

Айтилганидек, қонун суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар

дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўқсинлик қилаётган омилларни бартараф этиш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун юзасидан қўмита экспертлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари томонидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди, саволларга қонун ташаббускорлари томонидан тушунтириш берилди.

“Ҳакамлик судлари фаолияти янада тақомиллаштирилиши ҳамда бюджет интизоми қучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари, давлат иштирокидаги қорхоналар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмаслиги назарда тутилмоқда. Ер билан боғлиқ, бинолар ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳамда бюджетдан пул ундириш билан боғлиқ низолар ҳакамлик судлари томонидан ҳал этилмаслигини белгилловчи, масъул шахсларнинг жавобгарлиги қучайтирилишини назарда

МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида “BeWOMAN ASIA” Марказий Осиё форумида иштирок этди.

Форум

Мазкур тадбирда 20 та давлат, шу жумладан, БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЕХТҲ ва “БМТ-аёллар” каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг 100 дан ортиқ вакиллари қатнашди.

Форум аёллар етакчилиги, гендер тенглик ва барқарор ривожланиш ма-

салаларига бағишланиб, минтақадаги етакчи сиёсатчи, олим, тадбиркор ҳамда экспертларни бир майдонда жамлади.

Сенатор форумнинг “Марказий Осиё Ренессанси: авлодлар кучи” мавзусидаги биринчи ялпи сессиясида қатнашди. Ўз чиқишида Гулнора Маъруфова сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ
(«Халқ сўзи»).

«Халқ сўзи».

МИНТАҚАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ҲАБИГА АЙЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН

1 Илмий тадқиқот натижаларини тижорат нуктаи назаридан ҳозирлабдор маҳсулотларга айлантириш ОТМ ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришдаги ўзига хос йўналиш ҳисобланади. Бундай инфра-тузилманинг мавжудлиги дунёнинг ривожланган давлатларида инновацияни тизимларни яратишнинг энг муҳим тамойилларидан бири сифатида тараққий этиб бормоқда ва бу тамойилнинг асоси турли ресурсларни осонлик билан қўлга киритиш имконини берувчи, ҳомашё маҳсулотларини тайёр маҳсулотга айлантириш, инновацияни маҳсулотларни яратиш, уларни бозорга олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатувчи барча тизимларнинг ўзаро интенсив ҳамкорлиги ривожига боғлиқ.

Шу маънода, олий таълимдаги ислохотлардан асосий мақсад — Ўзбекистонни минтақавий таълим ва илм-фан ҳабига айлантиришдир. Юртимизда 4 та олийгоҳ дунёдаги “ТОП — 1000” таликача кирган бўлса, ақин йилларда уларнинг сонини 10 тага етказиш режалаштирилган. ОТМнинг илмий-тадқиқот секторини ривожлантириш, унинг салоҳиятини ошириш, бизнес имкониятларини ривожлантириш орқали рағбатлантириш тизимига алоҳида ёндашув илгари сурилди. Бундан ташқари, чет элдаги

“ТОП — 100” таликача кирган олийгоҳларнинг филиаллари очилди. Олий ўқув юр்தларимизда хорижий “ТОП — 500” талик университетлар билан ахборот технологиялари, сунъий интеллект, агротехнология, тиббиёт, “яшил” энергетика каби устувор йўналишларда кўшма таълим дастурлари йўлга қўйилади. Бу мақсадларга эришиш учун келгуси йилда 10 дан зиёд халқаро ташкилотлар, 500 та нуфузли олийгоҳ ректорлари, халқаро экспертлар иштирокида Марказий Осиё халқаро таълим форуми ўтказилиши эълон қилинди.

Олиб борилаётган олий таълимдаги ислохотлар натижасида Ўзбекистонни минтақавий таълим ва илм-фан ҳабига айлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Уларни самарали ишга солиш эса ўқув муассасаларини халқаро стандартлар талабларига мос келадиган даражага олиб чиқишга боғлиқлигини таъкидлаш лозим.

Жамила БОБАНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқаро муносабатлар, ташқи
иқтисодий алоқалар,
хорижий инвестициялар ва туризм
масалалари
қўмитаси аъзоси.

1 Ўқитувчилар учун муносиб шарoит яратиш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, моддий таъминотини яхшилаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди.

Уларнинг оймак маошига ўндан ортиқ устамалар жорий қилинди. Бугун ўз устида ишлаган 60 мингдан ортиқ педагоглар 10 — 12 млн. сўм маош оляпти. Янги баҳолаш тизими бўйича ижобий натижа кўрсатган 300 та мактабнинг бутун жамоаси 40 фоизгача устамо олмақда. Шу йил сентябрь ойидан мактаб директорлари, боғча mudиралари ва уларнинг ўринбосарлари ойлиги ҳам 10 млн. сўмдан ошди.

Устоз ва мураббийларга имтиёзли истеъмол кредитларининг бeрилиши, олис ҳудудларга бoриб ишлаётган юқори малакали ўқитувчилар учун устамалар белгиланиши, педагог ходимларнинг юксак мукофотлар билан тақдирланаётгани янги Ўзбекистонда таълим тизимига, айниқса, фидойий касб эгаларига бўлган эътибор бутунлай ўзгарганидан далолат беради.

Қисқа фурсатда соҳага оид кўплаб қонунлар қабул қилиниб, бу борадаги ҳуқуқий база мустаҳкамланди. Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги, “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги, “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонунлар жамиятда муаллимларнинг кадр-қимматини кўтарди.

Янги даврдаги Конституциямизда тахрифт ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қиммати-ни ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши учун ғамхўрлик кўрсатиши белгилаб қўйилди. Бу сaъй-ҳаракатлар тўғрйли бугун мактаб, таълим масаласи умумхалқ ҳаракатига айланди. Таълим соҳаси вакилларининг жамиятдаги ўрни ва мақоми юксалди.

“Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришга тўқсинлик қилганлик учун жавобгарлик қучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жинoят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъ-

мурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда ўқитувчиларга қаратаилган юксак эътиборнинг яна бир исботи бўлди.

Мен ҳам кўп йиллар давомида таълим соҳасида фаолият юритганман. Соҳанинг иссиқ-совуғидан яхши хабардорман. Очиги, бундан саккиз-тўққиз йил аввал соҳага етарли даражада эътибор берилмас эди. Ўқитувчиларга ҳам бу даражада ғамхўрлик кўрсатилмаган. Ойлик маоши камлиги тўғрйли кўплаб тажрибали устозлар ишини ташлаб, хорижга кетишга мажбур бўлди.

Бугун таълим соҳасида меҳнат қилаётган ўқитувчиларга ҳавасим кeлади. Уларнинг қадри ва обрўйи янада юксалмоқда. Мухими, улар давлатимиз ва Президентимиз эътиборида. Ўқитувчиларнинг тинмасдан ўз устида ишлаши, ҳар куни замонавий билимларни эгаллаши, ёшларга сифатли таълим бeриши учун барча шарoитлар, имкониятлар бор.

Яқинда Бўстонлиқ туманида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда ҳам уларнинг ижтимоий шарoитларини яхшилаш бўйича қатор ташаббуслар билдирилди. Бу янгиликлар ўқитувчилар кўнглини тоғдeк қўтариб, уларни янада кўпроқ изланишга, ўқув-тарбия жараёнини янада бойитишга ундади.

Хусусан, янги йилдан бошлаб камида 15 йил стажга эга бўлган олий тоифали педагогларга ипотека кредити бошланғич бадалалининг 25 фоизи қопланиши, келгуси ўқув йилида давлат олийгоҳларига ўқишга кирган педагоглар фарзандларининг шартномаси суммасига 30 фоиз чегирма бeрилиши соҳа вакилларини фoлликча чорлаб, ҳаракатга келтиргани рoст.

Келгуси йилдан педагоглар учун давлат хизматлари тўлови 2 қарра қамайтирилиши, фан ўқитувчилари каби бошланғич таълим ўқитувчилари учун ҳам миллий сертификат бeриш тизими жорий қилиниб, сертификат олганларга ҳар ойда 15 фоиз устама тўлани-

ши ўқитувчини ўз устида кўпроқ ишлашга, ёшларга сифатли таълим-тарбия бeришга даъват этади.

Бакалавр бoсқичини имтиёзли диплом билан битириб, мактабга ишга кирганларга автоматик равишда 2-малака тоифаси, магистрларга эса 1-малака тоифаси бeрилиши, дунёдаги “ТОП — 300” талик олийгоҳларга ўқишга кирган педагогларга 20 минг долларгача имтиёзли таълим кредити ажратилиши том маънода ўқитувчининг қадрини ҳам, қаддини ҳам кўтарди.

Устоз — миллатнинг кeлажagini белгилайдиган буюк шахс. Уларга яратилаётган шарт-шарoитлар нафақат педагоглар ҳаётини яхшилаиди, балки бутун жамиятнинг маънавий юксалишига хизмат қиладди. Давлат ва жамиятнинг узлуқсиз эътибори натижасида таълим тизимида сифат ўзгаришлари рўй бeриб, ёш авлод юксак билим ва маънавий соҳиб бўлиб улғаяди.

Азиза АМИНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты.

Хорватияда ўтказилган жаҳон чемпионатида юнон-рум кураши бўйича олтин медални қўлга киритган Тошкент вилоятилик Айгжан Халмахановга уч хонали уй берилди.

Янги Ўзбекистон жаҳон олимлари нигоҳида



Ирина ОСМАНОВА, Давлат дин тарихи музейи Шарқ динлари бўлими катта илмий ходими (Санкт-Петербург):

— Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар мени бениҳоя ҳайратга солди. Юртингизнинг илмий ва маданий муассасалари билан узоқ йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келамиз. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг барпо этилиши жуда катта ҳодиса бўлди. Охириги марта бу ерда март ойида бўлгандик. Аммо сўнгги ярим йилда жуда катта тайёргарлик ишлари олиб борилганига амин бўлдик. Экспозициялар ҳам деярли тайёр. Таассуротимиз катта, мен ушбу марказ экспозицияси учун Усмон Қуръонининг 1905 йилда Петербургда тайёрланган 50 адад факсимиле нусхасига бағишланган лойиҳани тақдим этгандим. Лойиҳамиз аниқ равишда шу факсимиле нусхалари тарқалишининг виртуал ҳаритасини яратишга қаратилган. Ҳозирги кунда 23 нусха маълум. Улар Петербург, Москва, Ўзбекистон, Берлин, АҚШ, Озарбайжон ва ҳатто БААда сақланади. Факсимиле нусхалар асл қўлёзмадан олинган бўлиб, у Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг Қуръон залида асосий экспонат сифатида сақланади.

Ламин ТАМССАΟΥТ, Франция Миллий кутубхона қўлёзмалар бўлими тадқиқотчиси:



— Мен узоқ йиллардан бери Ўзбекистонни, аниқроғи, ислом дунёсининг марказини қўришни орзу қилиб келганман. Чунки ислом маданиятининг маркази ёки цивилизация ўчоғи дейилганда, дарров Ўзбекистон қўз олдимизга келади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро сингари шаҳарлар замонларнинг буюк кашфиётлари ва илмий ютуқларини ўз бағрида сақлаб келмоқда. Ана шу сирларни жаҳонга ошқор этишда Ўзбекистон Президенти асос солган ушбу марказнинг ҳиссаси жуда катта бўлишига ишонаман. Шунга ҳам аминманки, бу марказ бутун дунёдан санъат, маданият, илм-фан вакилларини жамлайдиган йирик масканга айланади.

Марказ биноси ниҳоятда мўъжизакор тарзда қурилган. Хар бир нақш, ҳар бир безакка алоҳида эътибор қаратилган. Ички дизайн ва экспозициялар ҳам кишини ҳайратга солади. Ўзим санъатшуносман, асосан, миниатюралар билан шуғулланаман. Марказ залларида Шарқ миниятураси намуналаридан ўринли фойдаланилган. Менга, айниқса, кутубхона ёқди. Чунки у фақат китоблар билан таъмин-



Форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдуҳолиқов сўзга чиқиб, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бунёд этилган ушбу марказнинг мақсад ва вазифалари ҳақида иштирокчиларга маълумот берди.

Форум қатнашчилари учун Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази экспозициялари бўйлаб саёҳат уюштирилди. Меҳмонлар ва иштирокчилар марказнинг Қуръони карим зали, Исломдан аввалги цивилизациялар, биринчи Ренессанс, иккинчи Ренессанс, Янги Ўзбекистон заллари бўйлаб ташкил этилган экспозицияларни томоша қилишди. Марказнинг

ташқи интеръери, кутубхона, болалар ҳудуди ва бошқа қисмлари билан яқиндан танишилди.

Шундан сўнг барча иштирокчилар 10 та шуббада марказ фаолиятини такомиллаштириш, экспозицияларни бойитиш бўйича ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди. Форум якунида махсус декларация қабул қилинди. Унда мамлакатимиз раҳбарининг шахсий ташаббуси билан амалга оширилган ушбу йирик мегалойиҳа ниҳоятда юқори аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Форум иштирокчиларининг айримлари билан Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ислохотлар, мазкур марказнинг ислом маданий меросини асрашда тутган ўрни хусусида суҳбатлашдик.

ланиб қолмасдан, балки бугунги технологиялар асосида қурилган ва жиҳозланган. Бунга жуда ҳайрон қолдим ва сиз бунинг уддасидан чиқишингизга ишончим комил эди, албатта.

Шодмон ВОҲИДОВ, тарих фанлари доктори, профессор, Панжакент педагогика институти проректори (Тожикистон):



— Бугун бу марказ орқали тарихга жуда катта тамал тоши қўйилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг бу масканнинг очилишидаги ташаббуси ва ғояси бутун ислом давлатлари вакилларини қувонтирди.

Биз марказ музейининг иккинчи Ренессанс даври бўлими юзасидан турли давлатлардан йиғилган халқаро экспертлар билан фикр алмашдик. Экспозиция устида жуда катта меҳнат қилинган. Энг сара санъат асарлари, асл нусхадаги нодир артефактлар, бебаҳо қўлёзмалар келтирилган. Бу марказ Марказий Осиё халқларининг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган муносиб ҳиссаларини акс эттиришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай бебаҳо масканни яратиш ғоясини илгари сурган ва уни амалга оширган Ўзбекистон Президентига, маз-

кур форум ташкилотчиларига ўз миннатдорлигини билдираман.

Шокир САЛЛОХ, Ислом олами робитаси ташкилоти шубба директори (Саудия Арабистони):



— Бу юртга, хусусан, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюрганимдан жуда фахрланаман.

Марказни қўриш ташаббусини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев саккиз йил аввали БМТ минбарида эълон қилганида ҳам биз бениҳоя қувонган эдик. Ушбу марказ Ўзбекистоннинг мусулмон дунёсига, умуман, жаҳон ҳамжамиятига бебаҳо тўғриси бўлди.

Марказни катта ҳайрат ва завқ билан айланиб чикдим. У жуда чиройли, йирик маърифий мажмуа бўлиб, бутун дунё учун очиқ экани бағоят қувонарлидир. Иншааллоҳ, бу масканга ҳали яна келаман ва ундаги ноёб экспонатлар билан янада чуқурроқ танишиш имкони бўлади. Чунки улар ислоний мерос ҳамда цивилизациянинг ҳақиқий намуналари ва уларнинг ҳар бири қанчадан-қанча сирларни ўз бағрида яширган.

Женгиз ТОМАР, Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш маркази (IRCICA) директори ўринбосари (Туркия):



— Очиги, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг бунёд этилишини жуда улкан ва кучли ташаббус, деб биламан. Бу лойиҳа ҳақида Президент Шавкат Мирзиёев яқинда БМТ минбарида ҳам сўз очиб, унинг тақдироти халқаро миқёсда ўтказилишини билдирди.

Ишонамизки, бу марказ, ўз навбатида, барча мусулмон давлатлари учун фахру ифтихор тимсолига айланади.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази нафақат минтақанинг, балки бутун ислом оламининг маданий-маънавий қиёфасини акс эттиради ва юксак илмий меросини кенгроқ намойён этади. Бундай марказлар орқали ислонининг асл инсонпарварлик ҳоҳиятини қўрастиш, уни нотўғри талқинлардан ҳимоя қилиш ҳамда ислонмифологияга қарши самарали курашиш мумкин.

Рустом ЖАББОРОВ («Халқ сўзи»):

Боку:

II ОЗАРБАЙЖОН – ЎЗБЕКИСТОН МЕДИА ФОРУМИ

Боку шаҳрида “Рақамли трансформация ва медиа” мавзусидаги II Озарбайжон — Ўзбекистон медиа форуми бўлиб ўтди. Тадбир икки мамлакат ўртасида медиа соҳасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга бағишланган видеоролик намойиши билан бошланди.

Хамкорлик

Озарбайжон Медиани ривожлантириш агентлиги ижрочи директори Аҳмад Исмоилов форум иштирокчиларини кутлар экан, Озарбайжон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги асрлар даврида шаклланган тарихий ришталар бугун Президентлар Илҳом Алиев ва Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси ва етакчилиги тўғрисида янги босқичга кўтарилганини таъкидлади.

Унинг айтишича, стратегик шериклик даражасига етган икки томонлама муносабатлар медиани ривожлантириш, рақамли мухитни тартибга солиш, янги технологияларнинг жорий этиш ва журналистиканинг касбий стандартларини мустаҳкамлашда ўзаро тажриба алмашиш учун кенг имкониятлар яратди.

Ўзбекистон Президенти Администрацияси Коммуникациялар департаменти сектор раҳбари Дилшод Саиджонов икки қардош мамлакат медиа соҳасида ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг аҳамиятини таъкидлаб, дезинформацияга қарши биргаликда курашиш, ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва ўзаро ахборот алмашишнинг кучайтириш зарурлигини қайд этди.

Озарбайжон Республикаси Аудиовизуал кенгаши раиси Исмаил Сатторов рақамли медианинг ривожланиши аудиовизуал контент ишлаб чиқариш ва соҳага янгича ёндашувларни жорий этишни талаб қилаётганини таъкидлади. Унинг айтишича, бу жараён халқаро ҳамкорлик ва профессионал журналистика тамойилларини янада мустаҳкамлашни тақозо этади.

Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Баҳром Ашрафзонов ахборот ва медиа соҳасидаги ҳамкорлиқни икки давлат стратегик шериклигининг муҳим йўналиши сифатида баҳолади. Унинг фикрича, қўшма

платформалар орқали ахборот алмашишуи халқларимизнинг умумий қадриятларини тарғиб этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети проректори Нозима Муратова медиатаълим ва илмий соҳадаги ҳамкорлик имкониятларини таъкидлаб, форум журналистлар учун рақамли кўникмаларини ривожлантириш ва замонавий инновацион ёндашувларни жорий этишда муҳим платформа эканини билдирди.

Шунингдек, форум доирасида икки асосий панель сессия бўлиб ўтди.

Биринчи сессия — “Рақамли даврда медиа ҳамкорлиги: ахборот хавфсизлиги йўналишида қўшма ташаббуслар” мавзусида бўлиб ўтди. Унга “Trend” ахборот агентлиги бош муҳаррири Эмин Алиев модераторлик қилди. Унда Озарбайжон Медиани ривожлантириш агентлиги Халқаро алоқалар департаменти директори Расим Бағиров, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов, Озарбайжон Аудиовизуал кенгаши аппарати раҳбари Фозил Наврўзов ва Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси бош директори Абдуазиз Абутолипов катнашди.

Мулоқотда рақамли даврда ахборот хавфсизлиги, сунъий интеллект, дезинформацияга қарши биргаликда кураш, давлат органлари ва медиа ташкилотлари ўртасидаги шериклик масалалари муҳокама қилинди.

Нозима Муратова модераторлигидаги иккинчи сессия “Рақамли ахборот мухитида этик масъулият” мавзусига бағишланди. Унда “AZERTAC” агентлиги бошқаруви раисининг ўринбосари Севинч Абдуллаева, Ўзбекистон Миллий оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди қузатув кенгаши раиси Акрамжон Фозилов, “tnews.az” бош муҳаррири Камола Мамедова ва



“O'zbekiston 24” телеканали бош продюсери Ҳайдар Ҳасанов иштирок этди.

Мулоҳазаларда рақамли майдонда этик нормаларга риоя қилиш, журналистларнинг жамоат олдидagi масъулияти ва манияпултив контентга қарши профессионал стандартларни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар ахборот хавфсизлиги ва рақамли медида этик меъёрларни ривожлантириш бўйича қатор тақлифлар билдирди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, II Озарбайжон — Ўзбекистон медиа форуми медиа соҳасида рақамли трансформация, ахборот хавфсизлиги ва этик меъёрларни мустаҳкамлаш борасида икки қардош мамлакат ўртасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш мақсадини қўзғайди.

II Ўзбекистон — Озарбайжон медиа форуми доирасида ўзбекистонлик журналистлар Боку шаҳридаги етакчи олийгохлардан бири — “Azerbaijan Diplomatic Academy” университетига ташриф буюрди.

Университетда ўтказилган тренингда журналистлар фаолиятида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг афзалликлари, муаммолари ва турли стереотиплар, шунингдек, анъанавий ОАВнинг рақамли трансформацияси масалалари муҳокама қилинди.

“Azerbaijan Diplomatic Academy” (АДА) университети 2014 йил январь ойида Озарбайжон Республикаси Президентини қарори билан ташкил этилган бўлиб, дипломатик академия ҳамда Ахборот технологиялари университетининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Ҳозирда мазкур ОТМда қарийб 5 минг нафар талабалар тахсил олмақда. Уларнинг 300 нафарга яқини хорижлик ёшлардир. Олийгоҳда давлат

бошқаруви, халқаро муносабатлар, ҳуқуқшунослик, педагогика, ахборот технологиялари ва қишлоқ хўжалиги каби йўналишларни қамраб олган етти факультет фаолият юритади.

“Университетимизда қарийб 50 мамлакатдан келган талабалар тахсил олади. Дунё бўйича 189 етакчи олийгоҳ билан шериклик алоқаларимиз мавжуд. Битирувчиларимизнинг 90 фоиздан ортиги ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашмоқда”, дейди университетнинг малака ошириш корпоратив дастури менежери Фотиима Исаева.

АДА университети ўзининг малака ошириш дастури билан машхур. Озарбайжон ва бошқа мамлакатларнинг давлат ва хусусий секторидан олти мингга яқин мутахассислар ушбу ОТМни муваффақиятли тамомлаган. Ушбу малака ошириш дастури Озарбайжон Медиани ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Озарбайжон Медиани ривожлантириш агентлиги раҳбари Ламан Искандерованинг таъкидлашича, мазкур идора Ўзбекистон билан ҳамкорлиқни фаол кенгайтирмоқда. Бу жараён 2023 йил август ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи чоғида имзоланган “Йўл харитаси” доирасида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонлик журналистлар ушбу университетга ташриф доирасида сунъий интеллектдан медиа маконидида фойдаланишга бағишланган тренингда ҳам иштирок этди. Унда америкалик таниқли мутахассис, алоқа ва маданият фанлари номзоди, журналистика магистри, “Valparaiso” университети доценти Тиффани Белл АҚШ ва Европадаги тажрибаси билан бўлишди.



1 ОКТЯБРДАН НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

Мамлакатимизда бугундан кучга кирадиган қонунчиликдаги ўзгаришлар нималардан иборат? Шулар хусусида айрим маълумотларни тақдим этамиз.

«Чиройли» давлат рақами белгиларининг аукцион савдолари тўхтатилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 4 сентябрдаги тегишли қарорига мувофиқ, “Ўзбекистон республика товар-ҳомашё биржаси” 2025 йил 1 октябрдан бошлаб “чиройли” давлат рақами белгиларининг аукцион савдоларини тўхтатади.

Скутер ва мопед хайдаш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси мажбурий бўлади

Эндиликда мопед ва скутер ҳайдовчилари учун янги қоида кучга киради — уларни бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси талаб этилади. Скутер ёки мопедни рўйхатдан ўтказиш нархи 3,7 БҲМ (1 525 400 сўм) қилиб белгиланган. Ўқув курслари эса 2 млн. сўмгача. Гувоҳнома олиш учун давлат божи 288 400 сўмни ташкил қилади. Рақам олиш БҲМнинг 1,5 баравари — 618 миң сўм. Бунда умумий харажат деярли 4,5 млн. сўмдан ошмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун пенсиялар автоматик тарзда тайинланади

Бугундан бошлаб Халқ банкида пенсияларни нақд шаклда беришда “Face-ID” биометрик идентификация ва электрон рақамли имзолардан фойдаланилади. Тўлов олувчилар тўлов қайдонмаларини планшетада электрон шаклда имзолашлари мумкин бўлади. Ақлия вазирлиги Пенсия жамғармаси ва Халқ банкининг электрон сўровига кўра биометрик идентификациялаш учун маълумотларни тақдим этади.

Давлат хизматчиларининг хизмат сафарлари учун ягона модуль

Қонунчиликка кўра, давлат хизматчиларининг хорижий ва ички хизмат сафарларини ташкил этиш, ҳисобини юритиш ва таҳлилини олиб бориш “hgm.args.uz” электрон тизими таркибиди “Хизмат сафари” ягона модули орқали амалга оширилади.

Айрим молиявий ёрдамлар ижтимоий карта орқали ажратилади

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тасдиқланган эди.

Қарорга кўра, 2025 йилнинг 1 октябрдан жамғарма маблағлари ҳисобидан фуқароларга нақд пул шаклида бериладиган маблағлар босқичма-босқич ижтимоий карта орқали тақдим этилади.

Акциз солиғи бекор қилинади

Қонунчиликка кўра, Ўзбекистон ҳудудида олиб кириладиган ҳушўйлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз оқ шакарга нисбатан акциз солиғи бекор қилинади.

Номзодларни тайёрлашнинг янги тизими

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш Одил судлов академиясининг 6 ойлик касбий қайта тайёрлаш курсларида давлат гранти асосида ташкил этилади.

Курсларга қабул қилинган шахслар уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланган ҳолда асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод қилинади.

Ўқиш даврида тингловчиларга судья ёрдамчисининг 1 ойлик меҳнатига ҳақ тўлаш фонди миқдоридида ҳар ойда стипендия тўланади.

«Халқ сўзи».

Сирдарёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соҳада илмий тадқиқотларни янада кенгайтириш мақсадида Хитой — Ўзбекистон халқаро қўшма лабораторияси иш бошлади.

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТАЁТГАН ФИДОЙИЛАР

Дунё иморатлари орасида энг улуғи мактаб бўлса, касблар орасида энг шарафлиси, бу — ўқитувчилик. Бинобарин, уларга қанча эъзозу эҳтиром кўрсатсак, қанча ардоқласак кам. Сабаби, устоз қўлимизга қалам тутган, ҳаёт

дарсидан сабоқ берган машаққатли касб фидойиларидир. Кейинги йилларда ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш ва нуфузини кўтариш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу

ишлар натижаси ўлароқ, ўқитувчи ва мураббийлик касби том маънода кадр ва эъзоз топди. Ушбу саҳифамизда устозлар ва уларнинг фаолияти, шарафли ҳаёт йўли ҳақида сўз боради.

Касблар орасида энг шарафлиси

Ўқитувчилик — бу фидойилик, сабр-тоқат ва албатта, кўп билим талаб қиладиган оғир ва масъулиятли касб. Қадимги юнон тилида ҳам ўқитувчи “болани бошқариш” маъносини англатади. Мактаб таълими тизимида 46 йил ишлаб келаётган бир ўқитувчи сифатида шу шарафли касбни танлаганимдан фахрланаман. Фаолиятимизни бошлаган йилларда эркак ўқитувчилар мактабда камдан-кам учрарди. Борлари ҳам кўпинча жисмоний тарбия ва технологиядан дарс берарди. Бир муддат машаққатли кетгани боис бир қанча ҳамкасбларим оиласини боқиб унун бошқа соҳаларда ишлашга мажбур бўлди. Қолганлари дарс ўтиб бўлгач, ободонлаштириш ишларига, янги ўқув йилининг иккинчи ҳафтасидан пахта теримига отланарди.

дан бошқа иш билан шуғулланишдан ҳазар қилган отанинг боласи аллома бўлади-да!

Бобур бобоим эса 12 ёшида давлатга бош бўлган. Буюк бобокалонимиз “Бобурома”нинг илк сатрларидаёқ ифтихор ва шукрона ўлароқ бунга иқдор бўлган: “Тенгри таолонинг инояти билан ва ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоти билан ва ҳақорёри босафоларнинг ҳиммати билан сешанба кўни рамазон ойининг бешида тарих сакиз юз тўқсон тўққузда (1494, июль)

Фаргона вилоятида ўн икки ёшда подшоҳ бўлдум”.

Бугун боғчаларга, мактабларга кўрсатилаётган ғамхўрлик замирида ҳам ёшлар таълими, тарбияси, маънавияти ва маданиятини юксалтиришдек улуғ мақсад турибди. Муаллимларга яратилган шaroитларни кўриб, қирқ олти йилга ёшаргим келяпти. Қанийди, энди диплом олган ёш педагог бўлган пайтларга қайтсаму ҳозирги давру даврада шавқ билан янги мавзуларни ўқувчиларга тушунтир-

сам... Янги Ўзбекистон қадри баланд, ўз касбидан фахрланадиган ўқитувчилар мамлакатига айланиб бораётганидан хурсандман. Меҳнатларим зое кетмади: фидойи ҳамкасбларим қаторида давлатимизнинг “Меҳнат шукрати” ордени билан тақдирландим. Бунинг учун миллионлаб ўқитувчилар номидан чексиз миннатдорлик билдираман.

Низомиддин БОТИРОВ,
Оққўрғон туманидаги 8-мактаб директори.



Давлатимиз раҳбари дастлабки фаолиятдан то ҳозирга қадар муаллим қадрини тиклаш ва унинг меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шогирдларим орасида ўзим каби математика фани ўқитувчиси бўлганлар юздан ортган бўлса, таълим соҳасидаги ўзгаришлар туфайли ўқитувчилик

касбини танлаган йигитлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу, албатта, эътиборга молик. Нега аждодларимиз изидан бормаслигимиз керак? Аллома Абу Али ибн Сино ҳам юзлаб шогирдларига сабоқ берган. У ўз таржимаи ҳолида: “Отам менинг илмдан бошқа нарса билан шуғулланишимдан ҳазар қилар эди”, деб ёзган. Ҳа, илм-

«Бу кунларни орзу қилгандик...»

Пайриқдаги 53-мактаб туман марказидан анча олисдаги Каттасайдов кишлоғида жойлашган. Аммо шаҳарлардаги энг яхши таълим муассасаларидан қолишмайди. Бу кунларни биз қанчалик орзу қилгандик.

Мамлакатимизда таълим сифатига берилаётган эътибор туфайли мактабимиз рейтинг кўрсаткичлари бўйича туманда биринчилар қаторидан ўрин олиб келмоқда. Бундан олти, етти йил илгари биноларимиз кўримсиз аҳволда эди. 2019 йилда мактаб қайта қурилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Ҳар бир синфхонага ҳам тасвир, ҳам овоз ёзиб олувчи камералар ўрнатилди. Бу таълим сифати ва самардорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Янги мактабда бил имли, ташаббускор ўқитувчилар саралаб олиниб, иш бошлади. Ўқувчиларимиз ҳар чоракда махсус тест синовларидан ўтказилади. Яхши ўзлаштирилган рағбатлантирилади, орқада қолаётганларга алоҳида эътибор қаратиб, қўшимча машғулотлар ўтилади. Уларнинг кўрса-

ча тўғрақларда ҳам эртанги уйга вазифани бажариб кетади, ҳам турли сертификатлар олиш, олий ўқув юртига кириш учун тайёргарлик кўради.

Эътиборлиси, қўшимча тўғрақлар малакали муаллимлар томонидан бепул ўтилади. Чунки ўқитувчилар ўз устида ишлаганлиги, қолаверса, ўқувчиларнинг муваффақиятга эришаётганлиги учун ҳам бериладиган устама маблағ ҳисобидан қўшимча рағбатлантирилади. Шу сабаб мактабимиздаги ҳар бир ўқитувчи виждонан меҳнат қилади.

Ота-оналар билан ҳамкорлик ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўқувчиларнинг бўш вақти уйда қандай ўтаётганлиги ҳақида уларнинг ота-оналари билан мулоқот қилиб турамыз. Шу боис ҳам тўрт йилдан бери битирувчиларимизнинг



таётган натижаларига қараб устозлари ҳам баҳоланади. Бугунги кунда мактабимизда 670 нафар ўқувчига 55 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бериб келяпти. Устозларнинг қарийб 50 фоизи олий тоифали, 10 нафарга яқини турли халқаро ва миллий сертификатларга эга. Ҳар бири минг доллар атрофида маош олади. Мактабимизда дарслардан сўнг куннинг иккинчи ярмида ўқувчилар қўшимча тўғрақларга жалб этилади. Ўқувчилар шу ерда, қўшим-

давлат ва хусусий олий таълим муассасаларига қамров кўрсаткичи қарийб 100 фоизни ташкил этапти. Бизнес қишлоқ мактабидан таълим-тарбия олаётган ёшлар орасида нуфузли танлов ғолиблари, спорт чемпионолари бор. Улар аксарият таълим муассасаларидаги ўқувчиларга ўрнатилган бўлаётганидан фахрланамиз.

Жўрабек БОЗОРБОВ,
Пайриқ туманидаги 53-мактаб ўқитувчиси.

Сон эмас, сифат муҳим



Тўқсон йиллик ҳаётимнинг қарийб эллик йилини таълимга бағишлаган меҳнат фахрийси сифатида бугун соҳага қаратилаётган юксак даражадаги эътибордан ифтихор туйғусини ҳис этиб яшамокдаман. Албатта, барча сазй-ҳаракатлар таълим сифатини яхшилаш, янада юқори босқичга кўтариш, ўқитувчи обрўси ва маъқеини юксалтиришга, пировард мақсад мамлакат тараққиётини таъминлашга қаратилган.

Шундай даврлар бўлдики, ўқитувчи ва педагогларга жамиятнинг “эътибор ва эҳтироми”ни пахта далаларида нишонланган байрамни ҳисобга олмасак, кўрганамиз йўқ. Натижа ҳаммага маълум — тизимда, айниқса, олис ҳудудлардаги мактабларда педагог кадрлар тақчиллиги юзага келди. Унинг асоратлари барчамизга аён.

Бугун биргина Навоий вилояти мисолида оладиган бўлсак, Президентимизнинг 2017 йил 29 сентябрдаги “Навоий вилоятининг Томди, Учқудук, Ко-

нимех, Нурота туманлари ва Зарафшон шахрини комплекс ривожлантириш ҳамда аҳолиси бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2021 йил 11 январдаги “Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ижроси натижасида алоҳида фанлар бўйича педагог кадрлар танқислигига деярли барҳам берди. Дейлик, Конимех туманининг марказдан 300 километр олис овулидаги мактаб филиа-

лида тўрт нафар ўқувчига беш нафар ўқитувчи дарс бераётганлиги юқоридаги ҳужжатларнинг бевосита ижобий самарасидир.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг Бўстонлиқ туманида ўқитувчи-педагоглар билан мулоқотда иштирок этиб, жамиятда устозни эъзозлаш маданиятини қарор топтиришга қаратилган ёндашув, тавсия ва даъватларидан соҳа фахрийси сифатида кўнглим тоғдек кўтарилди.

Албатта, бундай юксак эътибор ҳар бир педагогдан ўз устида кунт билан ишлаш, тинимсиз изланиш, энг илғор педагогик технологияларни дадил ўзлаштириш ва такомиллаштиришни талаб этади. Зеро, юксак эҳтиромга муносиб жавобгина ярашади.

Ҳиммат РАҲМАТОВ,
халқ таълими фахрийси,
Қарман тумани



Ўқувчиларим орасидан «гарвардчи»лар чиқишига ишонаман

Мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси доимо эътибор марказида бўлиб келмоқда. Юртимиз ёшларининг ўқиб, ҳаётда ўз ўрнини топиши, иқтидори, салоҳиятини юзага чиқариши учун барча қулайликлар яратилган. Бунга ўз ҳаётимдан қиёс: “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати сифатида Буюк Британияда ўқиб бaxтига муяссар бўлганми ана шу имкониятлар натижасидир.

Хорижда сабоқдошларимнинг менга ҳавас билан қарашгани ҳануз кўз ўнгимда. Чунки улар ҳам ўқиб, ҳам тирикчилик ваҳидан ишлаш ташвишида бўлишарди. Мен эса давлатимиз, Президентимиз ғамхўрлигидан унумли фойдаланиб, қимматли вақтимни кутубхоналарда ўтказдим. Шу тариқа билимимга билим қўшилди. Ва бу шу кунги фаолиятимда жуда асқатмоқда.

Айтмоқчи, юртимизга қайтган давлатимиз раҳбарининг даъватига жавобан олимиздан 250 километр олимизда, Қизилқум саҳросида жойлашган овулдаги мактабда ишлашга қарор қилдим.

Бу йил мен учун унутилмас воқеаларга бой кечмоқда. Хусусан, яқинда Бўстонлиқ туманида Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан ўтказилган тантанали тадбир чоғида

давлатимиз раҳбари билан видео орқали мулоқот қилиш бахтига муяссар бўлдим. Мактаб ҳаёти, фаолиятим ҳақида қисқача сўзлаб, тақлифларимни билдирдим. Айниқса, Президентимизнинг қўллаб-қувватлагани кучимга куч қўшди. Ўқувчиларим орасидан “гарвардчи”лар, “ТОП — 100” талика қилган университетлар талабалари, “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари етишиб чиқади, дея сўз бердим.

Яқинда ҳаётимда қутилмаган, қувончли яна бир воқеа юз берди. Менга Президент совғаси — “BYD Chazor” русумли автомашина тўхфа қилинди. Хурсандчилигимнинг чеки йўқ. Бу ишончли оқлаш, ваъдани бажариш учун бор билимим, салоҳиятим, куч-ғайратимни сарфлайман.

Биллуро ИКРОМОВА,
Ромитан туманидаги 38-мактаб ўқитувчиси.

РЕКЛАМА

АНДИЖОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ректорати, профессор-ўқитувчилари ва талабалари

мамлакатимиз таълим-фан тизимида меҳнат қиладиган фидойи педагогларни, ёшларга касб сирларини ўргатаётган устозларни, Ватанимиз шукратини юксалтираётган чапдаст спортчиларнинг жаҳон шохсупасига кўтарилишига муносиб ҳисса қўшаётган тажрибали мураббийларни бугунги айём билан муборакбод этади.

Кишилик жамияти Сиз туфайли доимо тараққиётга эришиб келмоқда. Илм-фан сирларини мукаммал эгаллаб, инсоният измига бўйсундирмоқда. Муаллим аталмиш камтарона касбингиз шу боис доимо эл ардоғида.

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз таълим тизимига берилаётган улкан эътибор кўлами йил сайин кенгаймоқда. Устоз ҳамда мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қарорлар қабул қилинмоқда, беқиёс ташаббуслар илгари сурилмоқда.

МУҲТАРАМ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР! БАРЧАНГИЗГА МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ, ШАРАФЛИ КАСБИНГИЗ ЙЎЛИДА ОМАД ВА ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМИЗ!

18-19 октябрь кунлари Хива шаҳрида «Гиламлар жилоси» халқаро гилам кўргазмаси бўлиб ўтади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 10 601 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; **копибаст** 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6784

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.12 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6